



Мобил радиотелефон (сотали) алоқа хизматларини такдим этиш учун ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. Умумий қондалар

1.1 «Ўзбектелеком» АКнинг Ўзбекистон Республикаси, 100043, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 8-уйда жойлашган, мобил радиотелефон (сотали) алоқа тармоқлари лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун АА 0000183-сон лицензияга; халқаро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун АА 0001829-сон лицензияга; маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун АА 0001934-сон лицензияга, шаҳарлараро телефон алоқа линияларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича РТ 0000179-сон лицензияга, маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича АА 0001869-сон лицензияга мувофиқ хизматлар кўрсатувчи, бундан кейин «Оператор» деб номланувчи «Ўзбектелеком Мобайл» филиали қуйида айтиб ўтилган ҳагги-ҳаракатларни бажариш йўли билан ушбу офертани акцептловчи жисмоний шахсларга (бундан кейин – «Абонент») ушбу оферта орқали қуйида берилган шартларга мувофиқ (бундан кейин биргаликда Шартнома томонлари деб номланади) мобил радиотелефон (сотали) алоқа хизматлари (бундан кейин – «Алоқа хизматлари»)ни такдим этади.

Ушбу Оммавий оферта мобил радиотелефон (сотали) алоқа хизматларини такдим этиш Шартномаси ҳисобланади.

Ушбу Оммавий оферта шартлари, шунингдек Шартнома томонлари риоя қилиши керак бўлган Мобил радиотелефон (сотали) алоқа хизматларини кўрсатиш қондалари ҳисобланади. Бундан кейин матн бўйича Шартнома (ушбу Шартнома) ва Оферта (ушбу Оферта) атамалари бир хил аҳамиятга эга.

1.2. Алоқа хизматларини кўрсатиш учун Шартнома предмети бўлиб, Оператор томонидан Абонентни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида CDMA 450 стандартидаги мобил радиотелефон (сотали) алоқа тармоғига улаш йўли билан унга алоқа хизматларини кўрсатиш ва моддий шаклга эга бўлмаган маълум техник операцияларни амалга ошириш ҳисобланади. Алоқа хизматлари Абонентга унинг ушбу оммавий офертанинг шартларини тўлиқ ва сўзсиз акцептлаши (2.1-банд), шу жумладан Абонент томонидан танланган тариф режасига мувофиқ алоқа хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлаш мажбуриятларини бажариши мавжуд бўлганда кўрсатилади.

1.3. Ушбу оферта мақсадлари учун қуйидаги асосий атамалар қабул қилинади:

Абонент – алоқа хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахс.

Абонент шартномаси – оммавий оферта ва Оферта шартларини акцептлаш тўғрисидаги рўйхатга олиш бланкидан иборат бўлган, алоқа хизматларини тақдим этиш учун Абонент ва Оператор ўртасида тузиладиган шартнома.

Абонент номери – бошқа курилмалар уланганда телекоммуникация тармоғига уланган абонент ускунаси идентификацияланадиган алоқа хизматларини тақдим этиш учун Шартнома бўйича Абонентга ажратиладиган номер.

Абонент ускунаси – радиоканаллар бўйича ахборотни узатиш ёки қабул қилиш учун электралоқа сигналларини шакллантирувчи, тармоққа уланадиган техник восита. Абонент ускунаси ва унинг учун дастурий таъминот Абонент томонидан мустақил равишда ўз ҳисобидан сотиб олинади, унинг мулки ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасига мувофиқ сертификатланиши керак.

Абонент тўлови – абонентга муайян алоқа хизматларидан фойдаланиш ёки маълум тариф режаси бўйича алоқа хизматларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилганлиги учун Филиалнинг Прайс-варақларида белгиланган миқдор ва даврийлик билан абонентнинг шахсий ҳисоб рақамидан олинadиган тўлов.

Экспресс тўлов картасини активация қилиш – Абонентнинг ҳисоб рақами экспресс тўлов картасида кўрсатилган суммага тўлдириладиган процедура.

Оператор тармоғидан фойдалана олиш – Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматларни олиш учун Оператор тармоғидан фойдаланиш имконияти.

Тарификация бирлиги – Оператор томонидан танланган тарификация тизимига боғлиқ бўлган уланишнинг Абонент томонидан тўланадиган давомийлик бирлиги.

Операторнинг хизмат кўрсатиш зонаси – Лицензия келишуви асосида Оператор алоқа хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ва алоқа хизматларини кўрсатиш техник имкониятларига эга бўлган ҳудуд.

Экспресс тўлов картаси – амал қилиш даври, серия рақами, махфий код, ёпик ҳимоя қатлами ва бошқа маълумотларга эга, Абонентга алоқа хизматлари тақдим этилиши мумкин бўлган сумма кўрсатилган карта.

Контент – СМС, ММС, GPRS ёрдамида олинган матнли ёки мультимедиали маълумотлар ёки ахборот, кўнгилочар характерга эга IVR- маълумотлар.

Контент-провайдер – Оператор тармоғи орқали Абонентларга тижорат асосида контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент хизматлари Абонентнинг олдиндан буюртма бериши бўйича тақдим этилади.

Алоҳида тариф – тариф режасига кирмайдиган алоҳида хизмат учун Оператор томонидан белгиланадиган тариф. Алоҳида тариф қандайдир тариф режасини танлашга сабаб бўлмайди. Алоҳида тарифлар Операторнинг Прайс-варақларида ёки Абонент билан тузиладиган Шартномада ёки Интернетда (Операторнинг расмий WEB-сайтида) ёхуд оммавий ахборот воситаларида кўрсатилади.

Оператор офиси – Операторнинг Тошкент шаҳридаги бош офиси ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги унинг филиалларининг офислари. Оператор филиалларининг офислари, уларнинг ва ваколатланган мансабдор шахсларининг ишлаш режимлари рўйхати Операторнинг расмий WEB-сайтида кўрсатилган ва зарур бўлганда актуаллаштирилади. Рўйхат вақти-вақти билан ўзгариши мумкин (почта манзили, мансабдор шахсларнинг ўзгариши ва х.).

Прайс-варақ – Оператор томонидан белгиланадиган тариф режалари ва алоҳида тарифларнинг жами.

Фойдалана олишни тақдим этиш – Оператор томонидан Абонент фойдаланиши учун Абонент номерини ва Тармоққа уланишни тақдим этиш бўйича операцияларни бажариш.

Радиотелефон уланиш давомийлиги – Оператор аппаратураси томонидан қақрилаётган томон жавобини аниқлаш вақтидан томонлардан бири тарафидан

радиотелефон уланишнинг узилишини Оператор аппаратураси аниклаши вақтигача бўлган вақт интервалининг узунлиги.

Радиотелефон уланиш – алоқа хизматлари фойдаланувчиларининг Абонент ускунаси ўртасида радиотелефон алоқасини ўрнатиш, уларнинг ҳеч бўлмаса биттаси ахборот алмашинуви имкониятини таъминлайдиган Тармоқ Абоненти бўлиб ҳисобланади.

Роуминг – битта Оператор абонентининг бошқа мамлакатда бўлган бошқа Операторнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида бўлганда фойдалана олишини таъминлайдиган хизмат. Мамлакатлар ва Операторнинг роуминг-шериклари рўйхати катъий белгиланган амал қилиш санасига актуаллаштирилади ва вақти-вақти билан ўзгариши мумкин. Роуминг-шериклар рўйхати роуминг хизматлари учун тарифлар каби Оператор томонидан расмий WEB-сайтда ва босма ахборот материалларида кўрсатилади.

R-UIM карта – Тармоқда Абонентни идентификациялаш имконини берадиган ичига қурилган микросхемага эга пластик карточкадан иборат идентификацион модуль.

Тармоқ – техник воситалар (коммутация ва радио ускунаси, абонент қурилмалари, уловчи линиялар, иншоотлар ва ш.к.) йиғиндисидан иборат сотали мобил радиотелефон алоқа тармоғи, бу техник воситалар ёрдамида Абонентга мобил радиотелефон алоқа хизматлари (телефон, маълумотлар узатиш ва б.) тақдим этилади.

СМС (SMS) – қисқа хабарлар хизмати.

Тарификация тизими – алоқа хизматларининг турли кўринишлари ва тўплами учун алоқа хизматларининг нархини ҳисоблаш усули.

Тарифлар – муайян алоқа хизмати учун нарх.

Тариф режаси – алоқа хизматларининг муайян тўпламига мос келадиган тарифлар рўйхати.

Тармоқдан фойдалана олишни тақдим этиш техник имконияти – ажратилган радиочастотали ресурсни ҳисобга олган ҳолда абонент сифмининг бўш номерлари ва/ёки алоқа каналларининг, шу жумладан радиоканалларнинг мавжудлиги.

Алоқа хизматларини тақдим этиш техник имконияти – Операторнинг хизмат кўрсатиш зонасида Абонентга тегишли алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлайдиган алоқа техник воситалари ва иншоотларининг мавжудлиги.

Алоқа хизматлари – Абонентнинг Тармоқдан фойдалана олишини таъминлаш, шунингдек радиосигналларни қабул қилиш, қайта ишлаш, узатиш бўйича Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар.

Оператор тижорат вакилининг ваколатланган офиси – Оператор мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган расмий ҳужжат асосида Абонент билан мобил радиотелефон (сотали) алоқа хизматларини тақдим этиш учун Шартнома тузиш, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар учун тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва унга берилган ҳуқуқларга мувофиқ Оператор абонентларига бошқа хизматларни кўрсатадиган учинчи шахслар офиси.

Чеклаш даражаси – Абонентнинг шахсий ҳисоб рақами (баланси)даги пул маблағларининг минимал миқдори, унга мувофиқ Оператор Абонентга тақдим этиладиган алоқа хизматларининг ҳажмини чеклаш ёки уларни бутунлай тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Ҳисоб рақами – алоқа хизматларини олиш учун Абонент ҳуқуқларининг ҳажми тўғрисида пул эквивалентида ифодаланган ахборотдан иборат бўлган Оператор ҳисоб-китобларининг автоматлаштирилган тизимидаги электрон файл (бундан кейин – Шартли сумма).

2. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

- 2.1. Абонент ва Оператор ўртасида Алоқа хизматларини тақдим этиш шартномаси оммавий оферта шартлари асосида Оператор Офисларида ёки Оператор тижорат вакилларининг ваколатланган офисларида тузилади. Жисмоний шахснинг акцепти (Шартномани тузишга розилиги) бўлиб, рўйхатга олиш бланкини имзолаш факти ва унинг R-UIM картани сотиб олиши ёки охириги абонент қурилмасининг, шу жумладан стационар радиотелефон аппаратининг дастурий таъминотига тегишли маълумотларни киритиш ҳисобланади. Оператор Акцептни олгандан ва Абонент Операторнинг ахборот-биллинг тизимида рўйхатга олинганидан кейин ушбу Шартнома ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.
- 2.2. Оператор қуйидаги ҳолларда Алоқа хизматларини тақдим этиш шартномасини тузишни рад этишга ҳақлидир:
- 1) Оператор тармоғидан фойдалана олишни тақдим этиш техник имконияти бўлмаганда;
 - 2) Абонент томонидан сўраладиган Мобил радиотелефон алоқа тармоғи хизматларини кўрсатишнинг техник имконияти бўлмаганда;
 - 3) Операторда Абонент ускунаси тўғрисида бошқа Абонент томонидан йўқотилган ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича сертификатланмаган сифатидаги маълумотлар мавжуд бўлганда;
 - 4) Операторда потенциал Абонентнинг Оператор томонидан аввал кўрсатилган алоқа хизматлари учун қарздорлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда;
- 2.3. Ўз хизмат мажбуриятларини бажариши давомида Оператор ходимларига маълум бўлган Абонентлар тўғрисидаги маълумотлар конфиденциал ахборот ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилиниши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотларга: Абонент – жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; Абонент манзили ёки абонент ускунаси ўрнатилган жой манзили, тахаллус, абонент номерлари ва Абонент ва унинг абонент ускунасини бир хил идентификациялаш имконини берадиган бошқа маълумотлар киради. Телекоммуникация тармоқлари бўйича узатиладиган хабарлар тўғрисидаги ахборот, шунингдек хабарларнинг ўзи фақат уларнинг жўнатувчиларига (Оператор Абонентларига) ёки уларнинг қонуний вакилларига берилиши мумкин.
- 2.4. Шартнома қуйидаги ҳолларда Оператор томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин:
- 1) Бажариш имконияти йўқлиги (енгиб бўлмас куч вазиятлари, техник имконият йўқлиги оқибатида ва б.);
 - 2) Давлат органи ҳужжатининг нашр этилиши, бунинг оқибатида мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмай қолади, хусусан, қонун билан белгиланган тартибда Оператор лицензиясининг чақириб олинishi, тўхтатиб турилиши, бекор қилиниши;
 - 3) Ушбу Шартномада ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.
- 2.5. Шартнома бекор қилинганда абонент ускунасини Тармоққа улаш учун тўлов, шунингдек **R-UIM** картанинг, Абонент томонидан сотиб олинган, аммо активация қилинмаган тўлов карталарининг нархи Абонентга қайтариб берилмайди. Абонент мулки ҳисобланган абонент ускунаси Оператор томонидан сотиб олинмайди.
- 2.6. Ушбу шартнома томони сифатида Абонент ўзгарганда (шу жумладан, активлаштирилган **R-UIM** картани мерос қилиб олиш, совға сифатида қабул қилишда) собиқ Абонент билан тузилган Шартнома бузилади ва янги Абонент билан алоқа хизматларини кўрсатиш учун Шартнома тузилади. Бунда Оператор

Абонент тўғрисидаги маълумотлар базасини қайта расмийлаштириш (амалдаги тариф режасига мувофиқ) билан боғлиқ бўлган тўловни ва собиқ Абонент қарзларининг ўрнини тўлдиришни талаб қилишга ҳақлидир.

- 2.7. Ушбу Оферта шартлари асосида шартнома тузилганда Абонент унинг шахсий маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун Операторга розилик бериши мумкин.

3. ОПЕРАТОРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Оператор қуйидагиларга мажбур:

- 1) Абонентга ушбу Шартнома амал қилиши давомида Абонент номерини фойдаланишга бериш ва R-UIM картани ёки абонент ускунаси дастурини активлаштириш.
- 2) Абонент Мобил радиотелефон (сотали) алоқа тармоғининг Хизмат кўрсатиш зонасида бўлганда, унга алоқа хизматларини тақдим этиш, Тармоқнинг хизмат кўрсатиш зонасида Оператор томонидан тақдим этиладиган мобил радиотелефон алоқанинг сифати Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган стандартлар, техник нормалар ва мобил радиотелефон (сотали) алоқа фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга, Шартнома шартларига, шунингдек ушбу алоқа хизматларини кўрсатиш шартлари тўғрисида Оператор томонидан тақдим этиладиган ахборотга мувофиқ келиши керак.
- 3) Хизмат кўрсатиш зонасида Абонент томонидан шошилинч тезкор хизматлар (01, 02, 03, 04, 050)ни кечаю кундуз бепул чақириш имкониятини таъминлаш.
- 4) Абонентларга алоқа хизматлари тўғрисида ишончли ахборотни тақдим этиш;
- 5) Абонентларга алоқа хизматларини кўрсатиш давомида бу алоқа хизматларининг аниқланган камчиликларини бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;
- 6) Алоқа хизматларидан фойдаланиш ва бу хизматлар учун ҳисоб-китоблар, алоқа сифати масалалари бўйича Абонентга маслаҳатлар беришни ташкил этиш;
- 7) Операторнинг хориждаги бошқа сотали мобил радиотелефон алоқа тармоқларининг Операторлари билан тегишли шартномалар мавжуд бўлганда ва бундай хизмат Абонент томонидан танланган тариф режасида кўзда тутилган бўлса, Абонентга хориждаги ушбу тармоқлар хизматларидан фойдаланиш (роуминг) имкониятини тақдим этиш.
- 8) Алоқа хизматлари учун ҳақ тўламаганлиги ва/ёки абонент тўлови тўланмаганлиги учун узиб қўйилган Абонент алоқа хизматларининг тўлови бўйича қарзларини узганидан ва танланган тариф режасига мувофиқ миқдорда олдиндан тўлов тўланганидан кейин унинг Тармоққа уланишини амалга ошириш.

3.2. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Оммавий офертани қайтариб олиш, Операторнинг расмий WEB-сайтида тегишли ахборот билдиришномаларини жойлаштириш ёки Абонентни Оператор учун мақбул бўлган бошқа усуллар билан хабардор қилиш орқали Абонентни хабардор қилган ҳолда шартнома шартларига ўзгартиришлар киритиш ва, агар кўрсатилган ахборот жойлаштирилган санадан кейин 15 кун давомида Оператор бундай ўзгартиришларни қабул қилишдан Абонентнинг ёзма тўлиқ ёки қисман рад жавобини олмаса, Шартномага киритиладиган ўзгартиришлар қабул қилинган деб ҳисобланади;
- 2) Абонент ушбу Шартнома шартларини бузган ҳолда Абонент ускунасининг Тармоқдан фойдалана олишини тўхтатиш. Абонент ускунасининг Тармоқдан қайта фойдалана олиши бузилишлар тўлиқ бартараф этилганидан кейин Оператор тарифлари бўйича бажарилади, бунда аввалги Абонент номерининг Абонентга сақланиши кафолатланмайди;

- 3) Алоқа хизматларининг тариф режалари, тўлов тизими, шартлари, шакллари ва муддатларини ўзгартириш, кўрсатилган ўзгартиришлар амалга киритилишидан камида 5 кун олдин Абонентларга маълум қилиш. Абонентларга маълум қилиш оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, Операторнинг ахборот-маълумот хизмат кўрсатиш тизими ёки SMS хизмати орқали худди шу муддатларда амалга оширилиши мумкин.
- 4) Абонентга тақдим этилган Абонент номерини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда бир томонлама тартибда ўзгартириш;
- 5) Шартнома бекор қилинганда Абонентнинг «электрон» ҳисоб рақамидаги маблағларнинг ижобий балансини унинг пластик картасига ёки банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш;
- 6) Оператор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва ушбу Шартномада кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. АБОНЕНТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

- 4.1. Абонент қуйидагиларга мажбур:
 - 1) Ушбу Шартнома шартларига риоя қилиш;
 - 2) Фақат Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган стандартларга мувофиқлик сертификатига эга Абонент ускунасидадан фойдаланиш;
 - 3) Абонент ускунасидадан ишлаб чиқарувчининг уни эксплуатация қилишнинг амалдаги йўриқномасига мувофиқ ва муайян ҳудуд (аэропорт, самолёт ва б.)да амал қиладиган алоҳида фармойишлар ва қоидаларни, халақитлар ёки хавфли вазиятлар (тиббийёт муассасаси, техник хизмат кўрсатиш станцияси, ёнильгини сақлаш ва қайта юклаш худуди, портлаш ишларини ўтказиш жойлари ва б.)нинг эҳтимолий келиб чиқиши ҳолатларидаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш. Оператор Абонентни кўрсатилган чеклашлар ва талаблар тўғрисида хабардор қилиши мажбурий эмас.
 - 4) Абонент маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ва/ёки вақтинча яшаш манзили, паспорт (ёки паспорт ўрнига берилган ҳужжат) серияси ва рақами)ни идентификациялаш мақсадида Абонент Оператор ишчисига ўзининг ҳақиқий паспортини тақдим этишга мажбур.
 - 5) Ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартиби, тариф режаси ва тақдим этиладиган хизматлар рўйхатига мувофиқ, Шартнома шартларига кўра алоқа хизматлари учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳақ тўлаш;
 - 6) Операторга хат-хабарларни етказиб бериш манзили, банк реквизитлари, ҳақиқий жойлашган жойи, почта манзили ва вақтинча рўйхатдан ўтиш жойи тўғрисидаги ишончли маълумотларни, шунингдек Шартнома мақсадларида фойдаланиладиган бошқа маълумотларни Шартнома тузилаётганда Оператор бундай маълумотларни кўрсатилишини талаб қиладиган ҳажмда тақдим этиш. Кўрсатилган маълумотлар ўзгарган ҳолда бундай ўзгаришлар кучга кирган кундан кейин 30 (ўттиз) кун ичида аниқлаштирилган маълумотларни ёзма кўринишда Операторга шахсан тақдим этиш;
 - 7) Оператор билан олдиндан ёзма келишувсиз Абонент номеридан лотереялар, овоз беришлар, конкурслар, викториналар, реклама, сўровлар, оммавий юборишлар, қайд қилинган алоқа тармоғи, Интернет-телефониядан фойдалана олиш учун шлюзларни ўрнатиш ва Абонент ускунаси ва/ёки алоқа қурилмалари ишлаш қобилиятининг бузилишига олиб келадиган бошқа чора-тадбирларни ўтказиш учун фойдаланмаслик;
 - 8) Фуқаро-ҳуқуқий шартномалар асосида Тармоққа уланган Абонент ускунаси (R-UM карта)дан учинчи шахсларнинг фойдаланиш ҳуқуқини бермаслик. Абонент

ускунаси (R-UIM карта)нинг учинчи шахслар томонидан фойдаланилиши Абонентни Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш жавобгарлигидан озод этмайди;

- 9) Фродали деб квалификация қилинадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик ва уларни бажармаслик;
- 10) Абонент Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Абонент куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг техник нормативлари ва стандартлари ҳамда ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ Тармоқда Оператор томонидан рухсат этилган техник усуллар билан телефон сўзлашувларини олиб бориш, ахборотни узатиш учун Тармоқдан фойдаланиш;
- 2) Оператор ва унинг Ваколатланган офислари, уларнинг иш режимлари ва Оператор томонидан кўрсатиладиган алоқа хизматлари тўплами тўғрисида керакли ва ишончли ахборотни талаб қилиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг техник нормативлари ва стандартлари ҳамда ушбу Шартномага мувофиқ Оператор томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилиши;
- 4) Ҳисоб-китоблар тартиби, тариф режаси, тақдим этиладиган хизматлар тўпламини ўзгартириш борасида Оператор розилиги бўлганда, бу ҳақда Оператор томонидан қабул қилинган процедураларга мувофиқ, Оператор белгилаган тартибда Операторни хабардор қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва тартибда ўз Абонент ускунасини Тармоққа улаш;
- 6) Кўзда тутилган бекор қилиш санасидан камида 5 иш кун олдин Операторни ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда ушбу Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш. Бунда Абонент Операторга алоқа хизматларининг тўлови бўйича қарзларининг ўрнини тўлдиради.
- 7) Оператор ушбу шартномада айтиб ўтилган шартларни бузган ҳолда Операторнинг алоқа хизматларини рад этиш ва кўзда тутилган бекор қилиш санасидан камида 5 иш кун олдин Операторни ёзма равишда хабардор қилиб, Оператор билан шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш. Бунда Абонент Операторга алоқа хизматларининг тўлови бўйича қарзларининг ўрнини тўлдиради;
- 8) Ҳуқуқлари бузилган ҳолда ваколатли давлат органлари ёки судга мурожаат қилиш;
- 9) Абонент Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Шартномада кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

5. ОПЕРАТОР ТОМОНИДАН КўРСАТИЛАДИГАН АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН НАРХЛАР (ТАРИФ РЕЖАЛАРИ)

- 5.1. Барча турдаги хизматлар учун тарифлар Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади ва тариф режаларида акс эттирилади.
- 5.2. Жавоб сигнали чақирилаётган томоннинг жавобига тенглаштириладиган ва телефон уланиши давомийлигини ҳисоблаш нуқтаси бўлиб хизмат қиладиган Абонент ускунасига куйидагилар кирди:
 - 1) Маълумотлар узатиш аппаратураси: ахборотни автоматик қабул қилиш режимида ишлайдиган модем ёки факсимиль аппарати ва б.;
 - 2) Автожавоббергич билан жиҳозланган ҳар қандай абонент қурилмаси;
 - 3) Номери автоматик аниқлагичга эга Абонент ускунаси;

- 4) Чақирилаётган томон бўлмаганда ахборот билан алмашинув имкониятини таъминлайдиган (ёки имитация қиладиган) бошқа қурилма.
- 5.3. Радиотелефон уланиш хизматлари учун ҳақ тўлаш алоқа хизматларини кўрсатиш вақтида амал қиладиган тариф бўйича бажарилади.

6. КЎРСАТИЛГАН АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН АБОНЕНТ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

- 6.1. Алоқа хизматлари Абонент томонидан операцияларни амалга ошириш санасида амал қиладиган, Прайс-варақда белгиланган миқдордаги олдиндан тўлов амалга оширилганидан кейин кўрсатилади.
- 6.2. Алоқа хизматлари учун тарифлар АҚШ долларларида белгиланади. Кўрсатилган хизматлар учун барча тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси валютасида олиб борилади.
- 6.3. Тўлов белгиланган номиналдаги Экспресс тўлов картасини сотиб олиш ва унда келтирилган йўриқномага мувофиқ уни активация қилиш ёки Оператор ёки Операторнинг Ваколатли тижорат вакили офисида нақд пул шаклида тўловни киритиш ёхуд банкдан ташқари электрон (чакана) тўловлар тизими воситасида, шунингдек сумли пластик карточкалардан фойдаланиб нақд бўлмаган ҳисоб-китобларни амалга ошириш йўли билан амалга оширилади. Бунда абонентнинг ҳисоб рақамига Экспресс тўлов картасининг номиналига ёки доллар эквивалентида келиб тушган тўлов суммасига тенг бўлган алоқа хизматларини олиш учун ҳуқуқлар ҳажми қийматининг эквиваленти ўтказилади.
- 6.4. Тўлов Абонент томонидан экспресс тўлов картасини активация қилишнинг тўлиқ эквиваленти ҳисобланади. Тўловни ошириб, Абонент пул маблағларини Оператор ёки Операторнинг ваколатли шахсига киритади ва Абонентнинг келиб тушган пул суммасига эквивалент бўлган алоқа хизматларини олиш учун ҳуқуқлари ҳажми доллар эквивалентида Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида акс эттирилади, бу ҳақда Абонентга касса машинасининг чеки кўринишида ҳужжатли тасдиқлаш берилиши керак. Касса машинасининг чеки низоли масалаларни ёки Абонентнинг ушбу тўловга тегишли бўлган даъволарини ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжат ҳисобланади. Бунда бундай тўлов усулига ушбу Шартноманинг Экспресс тўлов картаси ёрдамида ҳисоб рақамини тўлдиришга тегишли бўлган барча қоидалари тааллуқлидир.
- 6.5. Ушбу Офертанинг 6.3-бандига мувофиқ тўлов амалга оширилганда, Абонент унинг ҳисоб рақамига киритилган ёки келиб тушган суммадан ва алоқа хизматлари учун тарифлардан келиб чиқиб белгиланадиган ҳажмда алоқа хизматларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.
- 6.6. Алоқа хизматларидан фойдаланганда қабул қилинган тўлов тарифи билан белгиланадиган тегишли суммалар Абонентнинг ҳисоб рақамидан автоматик равишда чиқарилади.
- 6.7. Ҳисоб рақамидаги маблағларнинг сарфланмаган қолдиғи тўғрисидаги ахборот Оператор томонидан белгиланган усул билан Абонентга бепул тақдим этилади.
- 6.8. Ҳисоб рақамидаги Шартли сумма тугаганда, шунингдек 60 кун давомида Абонентнинг ҳисоб рақамидан бирон бир марта ҳам маблағларни чиқариш бўлмаса (пулли қўнғироқлар, SMS, GPRS сессиялар ва х.), Абонентга алоқа хизматларини тақдим этиш тўхтатилади, шу жумладан тугалланмаган сўзлашувни тўхтатган ҳолда.
- 6.9. Агар ҳисоб рақамидаги шартли сумма тугамаган бўлса ва 60 кун давомида Абонентнинг ҳисоб рақамидан бирон бир марта ҳам маблағларни чиқариш бўлмаса (пулли қўнғироқлар, SMS, GPRS сессиялар ва х.), алоқа хизматларини тақдим этиш тўхтатилади, бу шартли сумма эса, ҳисобда сақланади ва навбатдаги

Экспресс тўлов картасини активация қилиш ёки алоқа хизматларини тақдим этиш тўхтатилган вақтдан 60 кун ўтгунга қадар нақд тўлов киритилиши шарти билан қайта ҳисобланган шартли суммага кўшилади.

- 6.10. Экспресс тўлов картаси активация қилинмаган, Шартнома тузилганидан кейин ёки алоқа хизматларини тақдим этиш тўхтатилганидан кейин тўлов киритилмаган ҳолда ёки бошқа ҳолатларда (шу жумладан, Абонент илтимосига кўра хизматларни кўрсатиш тўхтатиб турилганида), Абонент учун 60 кун давомида хизмат кўрсатилишини давом эттириш имконияти сақланади (навбатдаги Экспресс тўлов картасини активация қилиш ёки тўловни киритиш шарти билан). Оператор SMS хабарлар ёки Интернет тармоғидаги Операторнинг расмий WEB-сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш ёки оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ёки бошқа усуллар ёрдамида даврнинг ўзгариши тўғрисидаги ахборотни Абонентга етказган ҳолда вақтинча асосда ушбу даврни камайтириш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган давр ўтганидан кейин Абонент абонент хизматига мурожаат қилиш орқали ва Тармоқдан фойдалана олиш тақдим этилганлиги учун ҳақ тўланганидан ва у билан боғлиқ бўлган процедуралардан кейин Алоқа хизматлари тақдим этилишини давом эттириши мумкин. Бунда Абонентга унинг абонент номерининг сақлаб қолиниши кафолатланмаслиги мумкин.
- 6.11. Абонент фойдаланадиган алоқа хизматлари миқдорида унинг ҳисоб рақамидан шу заҳоти чиқариб ташлаш имкони бўлмаган бир қатор ҳолларда – масалан, Абонент роумингда бўлганда ва бошқа ҳолатларда, шунингдек бу тариф режасида ва хизмат кўрсатиш шартларида кўзда тутилган бўлса, Абонент ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлиши мумкин, бу Абонентнинг Оператор олдида қарздорлигини билдиради. Бундай ҳолатда алоқа хизматларини тақдим этиш тўхтатилиши мумкин.
- 6.12. Балансининг салбий қиймати (қарз) юзага келган ҳолда, Оператор ўн кун муддат ичида мавжуд қарз тўғрисида уни узишни талаб қилган ҳолда Абонентга ёзма равишда хабар қилади. Абонент кўрсатилган хабарни олган вақтидан 10 кундан кечиктирилмаган муддат ичида мавжуд қарзини узишга мажбур.
- 6.13. Оператор Абонентнинг ҳисоб рақами (баланси)даги пул маблағларининг миқдorigа боғлиқ ҳолда кўшимча билдиришсиз Абонентга тақдим этиладиган алоқа хизматларини чеклаш ҳуқуқига эга (чеклаш даражаси). Чеклаш даражалари Операторнинг Прайс-варақларида берилади.
- 6.14. Абонентнинг маълум манзили бўйича Оператор томонидан жўнатилган барча ҳисоблар ва билдиришлар лозим даражада жўнатилган деб ҳисобланади, улар олинмаган ҳолда ҳеч қандай даъволар Оператор томонидан қабул қилинмайди.
- 6.15. Мажбуриятларнинг Абонент томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида ва Абонент томонидан унга Оператор томонидан кўрсатиладиган сотали алоқа хизматлари учун ҳақ тўланмаган ҳолда ҳисоблар тўлови бўйича Абонент мажбуриятлари бўйича Оператор олдида жавоб бериш мажбуриятига эга учинчи шахс билан тузилган кафиллик шартномаси тузилиши мумкин. Тузилган кафиллик шартномаси ушбу Оферта билан яхлит бир бутунликни ташкил этади. Оператор, Абонент ва Кафил ўртасидаги барча муносабатлар ушбу Оферта, кафиллик шартномаси ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари асосида тартибга солинади.

7. АБОНЕНТНИНГ ОПЕРАТОРГА БЎЛГАН ДАЪВОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигида Абонент Операторга даъво қилади.

- 7.2. Даъво ёзма кўринишда тақдим этилади ва Оператор томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.
- 7.3. Кўрсатилмаган, ўз вақтида кўрсатилмаган ёки сифатсиз кўрсатилган алоқа хизматлари билан боғлиқ даъволар бундай хизмат кўрсатилган санадан кейин 6 ой давомида қабул қилинади.
- 7.4. Даъволарга ёзма жавоблар ушбу оммавий офертанинг 7.2-бандига мувофиқ Оператор томонидан рўйхатга олиш санасидан кейин 30 кун давомида берилиши керак.
- 7.5. Учинчи шахсларнинг Тармоқдан рухсатсиз фойдалана олиш йўли орқали алоқа хизматларидан фойдаланиш натижасида келиб чиққан келишмовчиликларда амалга оширилган телефон сўзлашувларининг тегишлилигини аниқлаш учун белгиланган тартибда техник текширув ўтказилади.

8. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Оператор шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, алоқа хизматларини кўрсатишнинг эълон қилинган сифати, уларни кўрсатиш муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги, алоқа хизматлари ва бу хизматларнинг бажарувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ишончли эмаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки ушбу Шартномада кўзда тутилган тартиб ва миқдорда жавобгар бўлади.
- 8.2. Абонентда **R-UIM** карта (Абонент ускунаси) йўқолган, ўгирланган ёки бўлмаслигининг бошқа ҳолатларида, Абонент Оператор ундан ушбу **R-UIM** карта (Абонент ускунаси)га хизмат кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида ёзма ариза олган вақтгача **R-UIM** карта (Абонент ускунаси)дан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, Оператор томонидан кўрсатилган алоқа хизматлари учун ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятга эга.
- 8.3. Оператор Абонент олдида билвосита етказилган зарар ва қўлдан чиқарилган фойда учун жавобгар эмас.

9. ФОРС-МАЖОР

- 9.1. Ушбу Шартнома мақсадлари учун «Форс-мажор» Форс-мажор тўғрисида эълон қилаётган томон барча оқилона хатти-ҳаракатларига қарамай, олдини олиш, енгиб ўтиш ёки чеклаш имкониятига эга бўлмаган қандайдир воқеа-ҳодисани билдиради, шу жумладан, уруш, оммавий тартибсизликлар, иш ташлашлар, давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, эмбарго, ёнгинлар, портлашлар, сув тошқинлари ёки бошқа табиий офатлар, ушбу воқеа-ҳодиса Ўзбекистон Республикасида ёки унинг ташқарисида содир бўлганлигидан қатъи назар; аммо пул йўқлиги ёки етишмаслиги Форс-мажор ҳолати бўлиб ҳисобланмаслиги шарт билан.
- 9.2. Исталган Форс-мажор ҳолати юзага келганда, ушбу Шартнома бўйича қайсидир мажбуриятнинг (пул тўлаш тўғрисидаги мажбуриятдан ташқари) Томон тарафидан бажарилиши бундай Форс-мажор ҳолатига тааллуқли бўлса, «Зиён кўрган томон» дарҳол иккинчи Томонни форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади («Форс-мажор тўғрисида билдириш»), бошқа Томонга зиён ва зарарни камайтириш ва Зиён кўрган Томонга ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини тиклаш учун барча керакли чораларни кўриш. Форс-мажор тўғрисидаги билдириш:
 - а) Форс-мажор воқеа-ҳодисасини кўрсатиши;

в) Зиён кўрган Томоннинг ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига унинг таъсирини оқилона тафсилотлар билан тавсифлаш;

с) ушбу Томон тарафидан бошқа Томонга етказиладиган зиён ёки зарарни камайтириш ва Зиён кўрган Томоннинг ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини тиклаш учун кўриладиган чораларни тавсифлаш.

Юзага келган фавқулудда ҳолатлар тўғрисида билдирмаслик ёки ўз вақтида хабар қилмаслик тегишли Томонни шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун уни жавобгарликдан озод қилувчи асос сифатида бу ҳолатлардан бирига ҳавола қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

- 9.3. Агар Форс-мажор билан боғлиқ ҳолда Томонлардан бири ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилишини кечиктирса, бундай кечиктириш даври ушбу Шартномада кўзда тутилган муддатларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди ва бу Томон Форс-мажор ҳолати сабаб бўлган бажармаслик доирасида Шартнома бўйича олинган мажбуриятнинг кечиктириб бажарганлиги учун ҳақли деб топилади, аммо Форс-мажор туфайли Томонлардан бири Форс-мажор тўғрисидаги билдириш узатилганидан кейин олтмиш (60) кун давомида ўз мажбуриятларидан қайси бирларини бажара олмаса, томонлар ушбу Форс-мажор ҳолатининг оқибатларини аниқлаш учун дарҳол маслаҳатлашишлари ва вазиятга боғлиқ ҳолда Томонларнинг ихтиёрига кўра керакли чораларни қабул қилишлари керак. Агар Томонлар Форс-мажор тўғрисида билдириш топширилган кундан тўксон (90) кун давомида ўзаро мақбул чоралар бўйича битимга келишмаса, Томонлардан ҳар бири ушбу Шартномани бекор қилиши мумкин.

10. ШАРТНОМА МУДДАТИ

- 10.1. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати Офертани акцентлаш санасидан белгиланади (2.1-банд) ва Томонларнинг ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш вақтигача ёки унинг тўхтатилишигача амал қилади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

- 11.1. Алоқа сифатининг ёмонлашиши ёки тўхтатилиши радиотўлқинлар тарқалиши ва қўйилишининг табиий шароитлари, Абонентнинг бинога яқин ёки унинг ичида, туннеллар, подваллар ва бошқа ер ости иншоотларида бўлиши, рельеф ва қурилишнинг маҳаллий хусусиятлари; маҳаллий симли телефон линиялари ва халқаро ҳамда шаҳарлараро алоқа операторлари ускунасининг техник характеристикалари ва ҳолати; метеорологик шарт-шароитлар ва Оператор таъсир кўрсата олмайдиган ёки кўзда тута олмайдиган бошқа сабаблар оқибати бўлиб ҳисобланган ҳолда Оператор алоқа сифатининг ёмонлашганлиги ёки унинг тўхтатилганлиги учун жавобгар бўлмайди.
- 11.2. Абонентга тақдим этиладиган радиотелефон алоқа тармоқнинг конструктив хусусиятларига кўра маҳаллий симли телефон линиялари операторлари, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторлари ускунасининг сифатига боғлиқ, бу оператор ваколатига кирмайди.
- 11.3. Оператор Абонент буюртмаси асосида учинчи шахслар томонидан Оператор тармоғи орқали жўнатиладиган контентнинг тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, мазмуни ва сифати учун жавобгар эмас.
- 11.4. Алоқа хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Шартнома шартларига мувофиқ томонлар тарафидан ҳал этилади. Томонлар келишувга келмаган келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг суд органларида кўриб чиқилиши лозим.

- 11.5. Ушбу Оферта шартлари асосида шартнома тузиб, Томонлар барча суд даъволари даъвогарнинг яшаш жойи ёки турган жойи бўйича тақдим этилиши тўғрисида келишиб олдилар.
- 11.6. Абонент ушбу Офертанинг 3.2-бандида кўзда тутилган тартибда тарифларнинг ўзгарганлиги тўғрисида Оператор томонидан тарқатилган ахборотни, шунингдек унинг Операторга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳисобларни олмаган ҳолда, Оператор уларнинг олинмаганлиги учун жавобгар эмас ва бу бўйича даъволарни қабул қилмайди.
- 11.7. Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Оператор томонидан кўрсатиладиган алоқа хизматлари тўғрисидаги қўшимча ахборотдан Оператор офисларида, Оператор тижорат вакилларининг Ваколатланган офисларида, ахборот-маълумот хизмат кўрсатиш тизимида фойдаланиш мумкин, шунингдек Оператор томонидан оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.
- 11.8. Шартномани битта Абонент – жисмоний шахсдан бошқа жисмоний шахсга қайта расмийлаштириш фақат иккала шахс бевосита бўлганда ва паспортларини тақдим этганда имкони мавжуд.
- 11.9. Ушбу Шартноманинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ёки ундан келиб чиқадиган барча мулоқотлар, билдиришлар Шартномада кўрсатилган хат-хабарларни етказиб бериш манзиллари бўйича томонлар тарафидан бир-бирларига жўнатилиши керак.